

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кулдашев Фарид Гулом ўғли

Тошкент молия институти

Молия факультети 2-босқич талабаси

Инфратузилма – бу ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган таркибий қисмидир. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – бу иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси маъноларини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий моҳияти «ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитларини яратиш», «асосий ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш» каби вазифаларни бажариш билан белгиланади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш соҳасига ҳозирги кунда алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу соҳанинг энг асосий тармоғи саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва коммуникация ҳисобланади. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва унга шароит яратиш лозим.

Инфратузилма мажмуига кирувчи соҳалар иқтисодий жараёнларга турлича таъсир кўрсатади ва ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи-назардан ҳам ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш объектив зарур ҳисобланади.

Чунки, Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибан моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқ ва корхоналарга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчига етказишга, тайёрлаш, сақлаш, ўраш, қадоқлаш ёки жойлаштириш, товар жойланадиган ёки ўраладиган идишлар билан таъминлаш, ташиш, таъмирлаш ҳамда сотиш каби хизматлар кўрсатувчи, уларнинг тўхтовсиз ва самарали фаолият юритишини таъминловчи ташкилот ва корхоналар мажмуини ташкил этади.

Шунга кўра, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтилади: транспорт; алоқа ва коммуникация; ёқилғи-энергетика; молиявий инфратузилма; коммунал хизмат кўрсатиш инфратузилмаси.

Товарлар, ишчи кучи ҳамда молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб боровчи ҳаракати ҳозирги даврга келиб жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиришга замин яратди. Натижада иқтисодиётнинг глобаллашуви юзага келди.

Цивилизациянинг бутун ривожланиши инсонларнинг коммуникацияларга ва алоқа боғлашга интилиши билан ифодаланади. Шунинг учун ҳаракатланиш имкониятлари инсоният ривожланиши учун ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устувор соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш транспорт ва инфратузилма коммуникацияларни ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молия лойиҳаларини амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш инфратузилма тизими фаолиятини таҳлил этиш, баҳолаш ҳамда истиқболларини белгилаб бориш бевосита миллий корхоналарни ривожлантириш учун замин яратади. Миллий корхоналаримизни яъни кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши иқтисодиётимиз тез фурсатда ривожланиши, аҳолининг иш билан таъминланиши, уларнинг даромадлари ошишида муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатда ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари қанчалик юқори даражада ҳамда замонавий талаблар асосида ривожланган бўлса, унга нафақат миллий, балки хорижий инвестициялар ҳам шунчалик жадал ва ишончли асосда кириб келади. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиши ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликларни ифодаловчи объектив қонуниятлар ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун фақатгина инвестицияларнинг ўзи етарли эмас. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш ва бошқаришда хорижий менежмент ва маркетинг тажрибаларидан фойдаланиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда.